

«Чорсу буюм савдо комплекси» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н И

2024 йил 15 апрел

Тошкент шаҳри

Соат 11-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Заркайнар кўчаси 1 уй.

Акциядорларнинг 2023 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Заркайнар кўчаси 1 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 15 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 642 538 овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,85 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамovich қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Шамансуров Ш.Ш. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари

Камолов Т.К. – жамият кузатув кенгаши аъзоси,

Юнусов.А.И – «Чорсу буюм савдо комплекси» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Урунбоев Иззатилла

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

И.Урунбоев, Ф.Нурмухамедов ва Г.Абдулаева

Йиғилишга «Чорсу буюм савдо комплекси» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. *Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.*
2. *Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.*
3. *Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*
4. *Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.*
5. *Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.*
6. *Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи.*
7. *Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.*
8. *Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*
9. *Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.*
10. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.*
11. *Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;*

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:
Асосий масалаларга 10 минутгача.
Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 5 мин	8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 3 мин	9. Тўққизинчи масала юзасидан- 3 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	10. Ҳинчи масала юзасидан- 3 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	11. Ҳн биринчи масала юзасидан- 5 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	
6. Олтинчи масала юзасидан- 5 мин	
7. Еттинчи масала юзасидан- 5 мин	

Сўзга чиқувчиларга 3-5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича жамият директори А.Юнусовнинг ҳисоботи тингланди.

«Чорсу буюм савдо комплекси» акциядорлик жамияти ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига таълуқли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борди. «Чорсу буюм савдо комплекси» акциядорлик жамияти бошқаруви ўзининг устивор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бозор ҳудудида сотувчи ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозор ҳудудида санитар-техник ҳолатни яхшилаб туриш, эҳтиёжини туларок қондириш, бозор фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга қулай шарт шароитлар яратиш, бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб, 2023 йил давомида тегишли ишлар амалга оширилди.

-Бозор атрофи ҳудудларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда мавсумий гуллар экилди.

Ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бозор ҳудудига ўрнатилган видео камераларни доимий ишлаши операторлар томонидан назоратга олинди. Бундан ташқари ҳудуддаги савдо дўконларидаги видео камераларни доимий ишлаши назоратга олинди. Мавжуд ёнғин ўчириш қалқонлари керакли анжомлар билан жиҳозланди.

Жамият «Бизнес режаси»нинг асосий қисми даромадлар ва харажатлар сметасидан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилиши қуйидаги кўринишда ўз аксини топди: Ижара ҳақи режаси 1 817 216.0 минг сўм, амалда 1 902 602.0 минг сўм, режага нисбатан 85 386.0 минг сўмга кўп бажарилди. Ҳизмат ҳақи режаси 438 150.0 минг сўм, амалда 438 150.0 минг сўм.

Жамиятнинг 2023 йилга режалаштирилган харажатлар режаси 3 372 252,0 минг сўм, амалда 3 538 208,0 минг сўм, режага нисбатан 165 956,0 минг сўм кўп харажат килинди.

Соф фойда режаси 713 153,0 минг сўм бўлиб, амалда 727 967,0 минг сўм режага нисбатан 14 815,0 минг сўм кўп бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207- сон қарори иловасининг 37- бандига асосан кўрсаткичлар СЙК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари 262,3 % ташкил этди

Жамият раҳбарияти ва ишчи ходимлари ҳукуматимиз раҳбарияти, ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарорлар асосида ўз иш фаолиятини давом эттиради.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича « SMART-AUDIT » МЧЖ томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва ҳўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текширувида қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Аудитор томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришда айрим камчиликлар бўлгани ва ушбу камчиликларни тўғрилаб, берилган таклиф ва тавсияларга кўра жамият ҳужжатлари тўғрилангани тўғрисида маълумот берилди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г. Абдисаторова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил якуний баланси бўйича ахборот берди (баланс илова қилинади).

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г. Абдисаторова сўзга чиқиб, 2023 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори « SMART-AUDIT » МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланси кўрсаткичларига мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича олинган 727 967,0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф этилганлигини маълум қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 351 935,6 минг сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- Соф фойдани 5% қисмини яъни, 36 398,35 минг сўмни жамиятнинг захира жамғармасига ажратиш;

- кузатув кенгашига ва ижроия органига (ҳодимларига) 129 247,05 минг сўмни ажратиш ва қолган 198 338,1 минг сўмни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтириш таклифини айтди

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият директори А. Юнусов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2024 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2024 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Шунингдек, жамият раҳбари 2024 йилда жамият ҳудудининг барча жойларида ички инфратузилмани яхшилаш, бозорнинг ташқи кўриниш фасадига замонавий тус бериш, тадбиркорлар ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш, жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш, қарздорликларни батамом камайтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, пул тушумларини ошириш бўйича кескин чоралар кўриш ва бошқа амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида фикр билдирди.

Бундан ташқари, 2024 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”даги кўрсаткичлар бугунги кунда амалда бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 26 мартдаги 198-14-0-Q/24-сонли “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги айтди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги олтинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, - 2023 йил 17 апрел кунини утказилган жамият акциядорлари умумий йиғилишида жамият директори Юнусов Алишер Искандарович сайлангани ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси имзолангани ва меҳнат шартномасида Ўзбекистан Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистан Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига узгартириш ва қушимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонунини инобатга олиниб шартнома уч йил муддатга тузилиши, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб утадиган иштирокчи умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи қуриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият қузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши қуратилиши;

Жамият директори Юнусов Алишер Искандарович 2023 йилда ижобий натижаларга эришганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши қилгани, ҳар чорак якуни бўйича жамият қузатув кенгаши олдида берган ҳисоботларининг даврийлиги ижобий бўлганлиги ҳамда қузатув кенгаши томонидан унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги тақдирини қилди.

Раислик қилувчи кун тартибдаги еттинчи масалага ўтиб, 2024 йилда жамиятнинг Қузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тақдирланган овоз бериш бюллетенларида қилтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича қумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги саккизинчи масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун <https://exarid.uzex.uz/> сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилтирилганлиги, ушбу эълонга асосан “SMART AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг тақдир кенгаши томонидан маълумланганлигини айтди ва “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан таништириш учун сўз жамият мутахассис И.Урунбоевга берди.

И.Урунбоев сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ -204 балл йиғиб, унга “паст” баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси -17 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини ҳулоса билан таништирди (*жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳулосаси ва ҳисобот шлова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги тўққизинчи масала юзасидан жамият бош бухгалтер мовуни Г.Абдусоторова сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувида жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан халқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича тижорий тақдир берилиб, ушбу тақдирларга асосан қуйидаги ташкилотлардан тақдирлар тушганини айтиб ўтди:

1. “Ftf lea audit” МЧЖ - 14 млн сўм ҚҚС билан
2. “Osiyo audit” МЧЖ - 13 млн сўм ҚҚС билан
3. “SMART AUDIT” МЧЖ - 13 млн сўм ҚҚС билан,

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича масъул ходими сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасида бўладиган ўзгаришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди.

Ушбу масала бўйича ҳеч кимда савол бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ун биринчи** масала бўйича жамият мутахассиси сўзга чиқиб, қонунчиликка кирган ўзгаришлар инobatга олинган ҳолда “Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақида”ги низоми янги таҳрирда тайёрланганлигини билдириб, йиғилиш қатнашчиларини низом билан таништириб ўтди.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p>1-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>2-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>3-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>
<p>4-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>5-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>6-масала Ёқлаган 642 538–100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>
<p>7-масала</p> <p>7.1. Расулов Камолитдин Райимберди ўгли 642 538 та овоз 7.2. Иброхимов Тўлқин Собитович 642 538 та овоз 7.3. Акрамов Акбаржон Акмал ўгли 642 538 та овоз 7.4. Чоршанбиев Акмал Қурбанович 642 538 та овоз 7.5. Камолов Толмас Каримович 642 538 та овоз</p>		
<p>8-масала Ёқлаган 642 538 –100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>9-масала 1. “SMART AUDIT” МСҲ 13 000 000 сўм Ёқлаган 642 538 100%, Бетараф 0–0%, қарши 0-0 %</p>	
<p>10-масала Ёқлаган 642 538 –100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	<p>11-масала Ёқлаган 642 538 –100 % Қарши 0–0% Бетараф 0–0%</p>	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Чорсу буюм савдо комплекси» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 642 538 –100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0 – 0 %).
2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан « SMART AUDIT » МҲЖ аудиторлик ташкилотининг ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёқлаган 642 538– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (Ёқлаган 642 538– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

4.1. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 727 967,0 минг сўм миқдорда олинган соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якуналари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 351 935,6 минг сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин;

- Соф фойдани 5% қисмини яъни, 36 398,35 минг сўмни жамиятнинг заҳира жамғармасига ажратилсин;

кузатув кенгашига ва ижроия органига (ҳодимларига) 129 247,05 минг сўмни ажратилсин ва қолган 198 338,1 минг сўмни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёқлаган 642 538– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРД-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Юнусов Алишер Искандарович билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин ва унинг 2023 йил фаолияти ижобий бўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин (ёқлаган 642 538 та овоз– 100 %, қарши– йўқ, бетараф – йўқ).

6.1 Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича булиб утадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи куриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

7.1. Расулов Камолиддин Райимберди ўғли	642 538 та овоз
7.2. Иброхимов Тўлқин Собитович	642 538 та овоз
7.3. Акрамов Акбаржон Акмал ўғли	642 538 та овоз
7.4. Чоршанбиев Акмал Курбанович	642 538 та овоз
7.5. Камолов Толмас Каримович	642 538 та овоз

8. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (Ёқлаган 642 538– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “« SMART AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп чегараси 11.300.000

сўм миқдори этиб белгилансин (Ёқлаган 642 538 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 642 538 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10.1. Жамият директори А.Юнусовга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмага киритилган ўзгартиришларни қонун доирасида расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

11. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 642 538 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: « ____ » апрел 2024 йил.

Йиғилиш раиси



Т.Камолов

Баённи олиб борди



И.Урунбоев